

**АДАБИЙ ИЎНАЛИШ ВА АДАБИИ ОКИМ.** Маълум бир тарихий даврда ўз мафкуравий, бадиий-эстетик карашлари ва тажрибаси билан бир-бирига якин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги гоявий-бадиий хусусиятлар мавзу, гоя, бадиий тасвирлаш тамойиллари бирлиги. Хар бир йўналишнинг ўзига хос гоявий-эстетик принциплари шу йўналиш вакиллари ижодида бажарилиши шарт бўлганлиги адабий йўналишнинг муҳим белгисидир. Адабий йўналиш у ёки бу миллий адабиётда маълум бир даврда юзага келиб, муайян бир даврда йўқоладиган тарихий ходисадир. Адабий йўналиш билан адабий оким тушунчаларини бир-бирига коришик холда тушунмаслик лозим. Бу икки атама орасида жуда кескин тафовут мавжуд. Адабий йўналиш адабий окимга нисбатан бирмунча кенг тушунча бўлиб, у маълум даврда бирор адабиёт доирасида харакат килади ва у ўша адабий жараённи маълум бир томонга йўналтириб юборадиган ходиса. Адабий оким эса, адабий йўналишга караганда тор маъно касб этиб, у ёки бу умумадабий доирада фаол бўла олмайди. Масалан, классицизм умумевропа адабиётида асосий йўналиш сифатида кўзга ташланиб, давр адабиётини навбатдаги тараккиёт боскичига тайёрлашда муҳим вазифа бажарди. Бир жараёнда бир нечаси кузатилиши мумкин бўлган адабий окимлар бундай кенг камровли харакатда бўлолмайди. Натурализм, сентиментализм, акмеизм, футуризм каби окимлар тарихи фикримиз исботи бўла олади.